# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «21» 9 1400-7-95-ТВ/2022-сон Иштихон ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси** номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Олимжон Бахриддинович Хужамов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **"EKO GOLD STROY 84" масъулияти чекланган жамияти** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Тешаев Дилшод Фахриддинович** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Жарроҳлик бўлими хоналарини жорий таъмирлаб, фойдаланишга тайёр холда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, https://etender.uzex.uz/ порталида Энг яхши таклифларни танлаб олиш танлови натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (https://etender.uzex.uz/ портали орқали электрон тарзда шаклланиб, хар бир комиссия аъзоларининг электрон имзоси орқали тасдиқланган 2022 йил 17 сентябрдаги 148592-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **110 085 100 (Бир юз ўн миллион саксон беш минг бир юз)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимида** назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга **1-** иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

**1-** иловага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага **1-** иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига **1-**иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **33 025 530 (Ўттиз уч миллион йигирма беш минг беш юз ўттиз)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( **1**-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ___кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг **V бўлимига** мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

40. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда

пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

41. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартномада белгиланган муддатда товарларни танлаб олмаганлик ёки шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз рад этганлик учун Давлат буюртмачиси Ижрочига танлаб олинмаган товарлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

44. Томонлар:

- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва ёки коррупция характерига эга булган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари харакатсизлиларини содир этмайдилар.
- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошка томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларини тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантиривчи томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

45. Томонда ушбу Шартноманинг 42.-бандаги талаблари бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги туғрисидаги шубҳалар юзага келган холда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш сохасидаги Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун хужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

46. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **икки нусхада** тузилди.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**«Пудратчи»**

**"EKO GOLD STROY 84" МЧЖ**

**Манзили:** Самарқанд в. Каттақурғон ш, Нурафшон кўчаси 18 уй

Тел: +998-93-350-55-55

Х/Р: 20208000805172374001

СТИР: 307087091 ИФУТ: 41201

Банк номи: Каттакургон ш.,ДТ Халк банки Каттакургон ф. МФО: 00725

Раҳбар: _______________Д.Ф.Тешаев

М.У.

**«Буюртмачи»**

**Иштихон тиббиёт бирлашмаси**

**Манзил:** Иштихон ш. Навоий кўчаси 12 уй

Тел/факс: 66-629-10-00

Ш/ХВ: 400322860182127073101054002

СТИР: 200972012 ИФУТ: 86100

Иштихон т. бўйича Ғазначилик Бўлинмаси Ғазна Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХККМ МФО: 00014 СТИР:201122919

Раҳбар: _______________О.Хужамов

Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси ва "EKO GOLD STROY 84" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тўзилган 1400-7-95-ТБ/2022 -сонли шартномага илова (лот 22110012148592)

| № | Бажариладиган иш ва хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| | **БЛАГОУСТРОЙСТВО** | | | | |
| 1 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ И ПОКРЫТИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНЫХ СМЕСЕЙ ОДНОСЛОЙНЫХ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ | 1000М2 | 0,0168 | 6551014,5877 | 110057,0451 |
| 2 | УСТРОЙСТВО ЦЕМЕНТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ ОДНОСЛОЙНЫХ СРЕДСТВАМИ МАЛОЙ МЕХАНИЗАЦИИ, ТОЛЩИНА СЛОЯ 20 СМ(10 СМ) | 1000М2 | 0,0168 | 73004451,7924 | 1226474,7901 |
| 3 | ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ: ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ СЛОЯ НА 1 СМ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМЕ 27-06-002-17 | 1000М2 | -0,0168 | 34601257,9410 | -581301,1334 |
| 4 | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПРОВОЛОКА АРМАТУРНАЯ ИЗ НИЗКОУГЛЕРОДИСТОЙ СТАЛИ ВР-1, ДИАМЕТРОМ 5 ММ | Т | 0,0700 | 7816273,4363 | 547139,1405 |
| 5 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ ТРОТУАРНОЙ ПЛИТКИ, КОЛИЧЕСТВО ПЛИТКИ ПРИ УКЛАДКЕ НА 1 М2 55 ШТ | 10 М2 | 1,6800 | 1110934,4390 | 1866369,8576 |
| 6 | УСТАНОВКА БОРТОВЫХ КАМНЕЙ БЕТОННЫХ ПРИ ДРУГИХ ВИДАХ ПОКРЫТИЙ | 100М | 0,4000 | 6573002,6898 | 2629201,0759 |
| | **ПРОЕМЫ** | | | | |
| 7 | РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ДВЕРНЫХ | 100М2 | 0,1197 | 2016492,8726 | 241374,1968 |
| 8 | УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2 | 100М2 | 0,1197 | 73504695,3514 | 8798512,0336 |
| | **САНТЕХОБОРУДОВАНИЕ** | | | | |
| 9 | ДЕМОНТАЖ САНИТАРНЫХ ПРИБОРОВ: МОЕК | 100ПРИБ | 0,0400 | 1869979,2078 | 74799,1683 |
| 10 | УСТАНОВКА МОЕК НА ДВА ОТДЕЛЕНИЯ | 10КОМПЛ. | 0,1000 | 505447,8238 | 50544,7824 |
| 11 | ВАННА МОЕЧНАЯ ДВУХСЕКЦИОННАЯ ЦЕЛЬНОТЯНУТАЯ. НЕРЖАВЕЮЩАЯ. КАРКАС ИЗ НЕРЖАВЕЮЩЕГО МЕТАЛЛА. 1150Х700Х860. РАЗМЕР МОЙКИ 500Х500Х300 | ШТ | 1,0000 | 6774553,1607 | 6774553,1607 |

Кўриб чиққан юрист: Mustafayev Alisher O‘sarovich. Хужжат рақами: PZ3656104451

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 12 | ПРОКЛАДКА ВНУТРЕННИХ ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ ИЛИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НА СВАРКЕ НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ ДО: 20 ММ | 100 М ТРУБОПРОВОДА | 0,4000 | 4010017,7579 | 1604007,1032 |
| 13 | УГОЛЬНИКИ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ 90 ГРАД, КОМБИНИРОВАННЫЕ С КРЕПЛЕНИЕМ ВР Д. 20Х1 /2" | ШТ | 9,0000 | 5378,4762 | 48406,2855 |
| 14 | УСТАНОВКА УМЫВАЛЬНИКОВ ОДИНОЧНЫХ С ПОДВОДКОЙ ХОЛОДНОЙ И ГОРЯЧЕЙ ВОДЫ | 10КОМПЛ. | 0,3000 | 3114424,1800 | 934327,2540 |
| 15 | УСТАНОВКА СМЕСИТЕЛЕЙ ДЛЯ УМЫВАЛЬНИКОВ И МОЕК | 10ШТ | 0,5000 | 932574,3128 | 466287,1564 |
| | **ПОЛЫ** | | | | |
| 16 | РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ ПОЛОВ: ИЗ ЛИНОЛЕУМА И РЕЛИНА | 100М2 | 0,2950 | 208337,6519 | 61459,6073 |
| 17 | РАЗБОРКА БЕТОННЫХ ОСНОВАНИЙ ПОД ПОЛЫ НА ГРАВИИ | М3 | 2,9500 | 330735,9841 | 975671,1530 |
| 18 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК РАЗМЕРАМИ ДО 60Х60 СМ | 100М2 | 0,2950 | 15967335,9867 | 4710364,1161 |
| 19 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ НАЛИВНЫХ СОСТАВОМ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ТОЛЩИНОЙ 5 ММ | 100 М2 ПОЛА | 0,2950 | 2033420,5895 | 599859,0739 |
| 20 | НА КАЖДЫЙ ПОСЛЕДУЮЩИЙ СЛОЙ ТОЛЩИНОЙ 1 ММ ДОБАВЛЯТЬ СВЕРХ 5 ММ(+5ММ) | 100 М2 ПОЛА | 0,2950 | 1695930,8986 | 500299,6151 |
| 21 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ ВЫРАВНИВАЮЩИЙ СЛОЙ | 100М2 | 0,2950 | 1556409,4068 | 459140,7750 |
| 22 | УСТРОЙСТВО ТЕПЛО- И ЗВУКОИЗОЛЯЦИИ СПЛОШНОЙ ИЗ ВСПЕНЕННОГО ПОЛИЭТИЛЕНА (ПЕНОПЛЕКС ТОЛЩ-20ММ) | 100М2 | 0,2950 | 5751521,0974 | 1696698,7237 |
| 23 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ(60ММ) | 100М2 | 0,2950 | 1429753,3260 | 421777,2312 |
| 24 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК БЕТОННЫХ НА КАЖДЫЕ 5 ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СТЯЖКИ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМЕ 11-01-011-03 | 100М2 | 0,2950 | 1449863,1828 | 427709,6389 |
| 25 | УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИИ ОКЛЕЕЧНОЙ РУЛОННЫМИ МАТЕРИАЛАМИ НА РЕЗИНО-БИТУМНОЙ МАСТИКЕ ПЕРВЫЙ СЛОЙ | 100М2 | 0,2950 | 4017985,8244 | 1185305,8182 |
| 26 | УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ ШИРИНОЙ ДО 100 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ С РЕЗКОЙ ПЛИТ ПО РАЗМЕРУ | 100М | 0,5250 | 3141927,3043 | 1649511,8347 |
| 27 | УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ПЛАСТИКОВЫХ НА ВИНТАХ САМОНАРЕЗАЮЩИХ | 100М | 0,1680 | 598256,2978 | 100507,0580 |
| | **ВНУТРЕННЯЯ ОТДЕЛКА** | | | | |
| 28 | РАЗБОРКА ОБЛИЦОВКИ СТЕН ИЗ ПЛИТ И ПЛИТОК: | 100М2 | 0,9880 | 1473037,0355 | 1455360,5911 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | КЕРАМИЧЕСКИХ ГЛАЗУРОВАННЫХ ПЛИТОК | | | | |
| 29 | ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ СТЕН | 100М2 | 0,4445 | 412810,7302 | 183494,3696 |
| 30 | КЛАДКА ПЕРЕГОРОДОК ИЗ КИРПИЧА АРМИРОВАННЫХ ТОЛЩИНОЙ В 1/2 КИРПИЧА ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М | 100М2 | 0,1590 | 8434923,5723 | 1341152,8480 |
| 31 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЯ ПОД ШТУКАТУРКУ ИЗ МЕТАЛЛИЧЕСКОЙ СЕТКИ: ПО КИРПИЧНЫМ И БЕТОННЫМ ПОВЕРХНОСТЯМ | 100М2 | 1,3625 | 3285664,1978 | 4476717,4696 |
| 32 | ОШТУКАТУРИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ И БЕТОНУ УЛУЧШЕННОЕ СТЕН | 100М2 | 1,3625 | 2295040,6198 | 3126992,8445 |
| 33 | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ: ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ СТЕН(3ММ) | 100М2 | 1,3625 | 2137431,4310 | 2912250,3248 |
| 34 | ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ: НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ СТЕН | 100М2 | -1,3625 | 1279121,6059 | -1742803,1881 |
| 35 | ОКРАСКА ВОДНО-ДИСПЕРСИОННЫМИ АКРИЛОВЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ СТЕН, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ | 100 М2 ОКРАШИВАЕМОЙ ПОВЕРХНОСТИ | 1,3625 | 1276384,8890 | 1739074,4113 |
| 36 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЯ ПОД ШТУКАТУРКУ ИЗ МЕТАЛЛИЧЕСКОЙ СЕТКИ: ПО КИРПИЧНЫМ И БЕТОННЫМ ПОВЕРХНОСТЯМ | 100М2 | 0,9880 | 3285664,1978 | 3246236,2275 |
| 37 | ОШТУКАТУРИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ И БЕТОНУ ПРОСТОЕ СТЕН | 100М2 | 0,9880 | 1954271,8055 | 1930820,5439 |
| 38 | ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ [БЕЗ КАРНИЗНЫХ, ПЛИНТУСНЫХ И УГЛОВЫХ ПЛИТОК] БЕЗ УСТАНОВКИ ПЛИТОК ТУАЛЕТНОГО ГАРНИТУРА НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ | 100М2 | 0,9880 | 11397901,9288 | 11261127,1056 |
| 39 | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ: ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ ПОТОЛКОВ(3ММ) | 100М2 | 0,9947 | 2532041,9023 | 2518622,0802 |
| 40 | ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ: НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ ПОТОЛКОВ | 100М2 | -0,9947 | 1529564,3668 | -1521457,6756 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 41 | ОКРАСКА ВОДНО-ДИСПЕРСИОННЫМИ АКРИЛОВЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ ПОТОЛКОВ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ | 100 М2 ОКРАШИВАЕМОЙ ПОВЕРХНОСТИ | 0,9947 | 1474847,8728 | 1467031,1791 |
| | **ЭЛЕКТРООСВЕЩЕНИЕ** | | | | |
| 42 | ДЕМОНТАЖ ОСВЕТИТЕЛЬНЫХ ПРИБОРОВ: БРА, ПЛАФОНЫ | 100ШТ | 0,0800 | 196081,4115 | 15686,5129 |
| 43 | ДЕМОНТАЖ ОСВЕТИТЕЛЬНЫХ ПРИБОРОВ: ВЫКЛЮЧАТЕЛИ, РОЗЕТКИ | 100ШТ | 0,1000 | 105644,7102 | 10564,4710 |
| 44 | СВЕТИЛЬНИК СВЕТОДИОДНЫЙ ПОТОЛОЧНЫЙ | 100 ШТ | 0,0800 | 1424855,7138 | 113988,4571 |
| 45 | СВЕТИЛЬНИК LED KN - 36W 6000K PRIME | ШТ | 8,0000 | 384074,6277 | 3072597,0216 |
| 46 | РОЗЕТКА ШТЕПСЕЛЬНАЯ ДВУХПОЛЮСНАЯ С ЗАЗЕМЛЯЮЩИМ КОНТАКТОМ(10А) | 100ШТ | 0,0800 | 4205890,6573 | 336471,2526 |
| 47 | ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ОДНОКЛАВИШНЫЙ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ/220 | 100ШТ | 0,0200 | 2557068,0137 | 51141,3603 |
| 48 | ПРОВОД В ЗАЩИТНОЙ ОБОЛОЧКЕ ИЛИ КАБЕЛЬ ДВУХ-ТРЕХЖИЛЬНЫЕ ПОД ШТУКАТУРКУ ПО СТЕНАМ ИЛИ В БОРОЗДАХ(МАРКИ ППВ, СЕЧЕНИЕМ, ММ2: 2Х2,5) | 100М | 2,0000 | 1432489,5899 | 2864979,1798 |
| 49 | ПРОВОД В ЗАЩИТНОЙ ОБОЛОЧКЕ ИЛИ КАБЕЛЬ ДВУХ-ТРЕХЖИЛЬНЫЕ ПОД ШТУКАТУРКУ ПО СТЕНАМ ИЛИ В БОРОЗДАХ(МАРКИ ППВ, СЕЧЕНИЕМ, ММ2: 3Х2,5) | 100М | 2,5000 | 1740276,8206 | 4350692,0515 |
| | **Бажариладиган ишлар суммаси** | | | | **80 789 796,0000** |
| | **Прочие затраты и расходы 18,11%** | сум | | | **14 631 032,0000** |
| | **Затраты на страхование строительство объектов** | сум | | | **305 346,0000** |
| | **Жами:** | сум | | | **95 726 174,0000** |
| | **ҚҚС 15%** | сум | | | **14 358 926,0000** |
| | **Хаммаси ҚҚС билан** | сум | | | **110 085 100,0000** |

**Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:** **О.Б.Хужамов**

**"EKO GOLD STROY 84" масъулияти чекланган жамияти рахбари:** **Д.Ф.Тешаев**

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: RZ3656104451

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

## XULOSA

1.Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Pudrat berish shartnomasi**

"Buyurtmachi" Ishtixon tuman tibbiyot birlashmasi rahbari Olimjon Baxriddinovich Xujamov bir tomondan, "Pudratchi" "EKO GOLD STROY 84" mas'uliyati cheklangan jamiyati ish yurituvchi rahbari Teshaev Dilshod Faxriddinovich Pudrat shartnoma bo'yicha summasi **110 085 100 (Bir yuz o'n million sakson besh ming bir yuz)** so'mlik shartnomani tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot

**Ishtixon tumani tibbiyot birlashmasi 21.09.2022 yil**

Tuzilgan shartnoma O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni, O'z.R. "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 2021 yil 22 apreldagi 684-Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**2022-yil 21-sentyabr**

**Bosh yuriskonsul't**

**2-darajali yurist:**

**A.Mustafaev**

2782677

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"EKO GOLD STROY 84" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"EKO GOLD STROY 84" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.02.2020 808703 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307087091

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, A.NAVOIY MFY NURAFSHON KO'CHASI , 18-UY,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

EKO GOLD STROY 84
O'Z.R.SAMARQAND VILOYATI KATTAQO'RG'ON SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI